




USAID
AMERIKA XALQIDAN



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISIDA COVID-19 БЎЙИЧА ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ

ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚА ВЕРСИЯСИ

«COVID-19 ГА ҚАРШИ МАҲАЛЛИЙ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ» ЎЗБЕКИСТОНДАГИ USAID ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2021 йил, 30 апрел

3.0 версияси



МУНДАРИЖА

Қисқартмалар ва асосий тушунчалар рўйхати	4
Миннатдорчилик билдириш	6
Ҳисобот бўйича резюме	7
Ҳисоботнинг қисқартирилган умумлаштируви	11
Натижалар ва муҳокамалар	21
Тавсиялар	23
Иловалар	27
A1. COVID-19 ҳолатида ЮКНни ва эпидемиологик назоратни ташкил этишда кучли жиҳатлар ва камчиликларни аниқлаш учун ЖССТнинг ўзини ўзи баҳолаш воситаси (1-жадвал).....	27
A2. COVID-19 эпидемиологик назоратининг бизнес жараёнлари (1-диаграмма)	30
A3. COVID-19 эпидемиологик назорати тизимининг SWOT таҳлили (2-жадвал).....	31



ҚИСҚАРТМАЛАР ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР РЎЙХАТИ

БТСЁ	Бирламчи тиббий-санитария ёрдами
ГСК	Гриппсимон касалликлар
ДЭН	Дозор эпидемиологик назорат
ДСЭНМ	Давлат Санитария-эпидемиология назорати маркази (09.2019 йил-гача)
ДТ	Дастурий таъминот
ДПМ	Даволаш-профилактика муассасалари
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ИФТ	Иммунофермент таҳлили
МГ	Оилавий поликлиникалар ва марказий кўп йўналишли поликлиникаларда мобил гуруҳлар
МССТБМ COVID	«Маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимларининг Ўзбекистонда COVID-19 эпидемиясига қарши курашишда барқарорлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси
МҲҲ	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
МҲ	Меъёрий ҳужжатлар
МЎБО	Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари
ОЎРЮК	Оғир ўткир респиратор юқумли касалликлари
ПЗР	Полимеразали занжирли реакцияси
РИТВ	Реанимация ва интенсив терапия бўлими
РЭН	Рутинали (мунтазам равишда олиб бориладиган) эпидемиологик назорат
СКП	Санитария-карантин пункти
СОТ	Стандарт операцион тартиблар
ССВ	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ССТБ	Соғлиқни сақлаш технологияларини баҳолаш
СЭО	Санитария-эпидемиология осойишталиги
СЭХ	Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш хизмати (санитария-эпидемиология хизмати, 2020 йил июль ойидан)
ТМВ	Тиббий мақсадли асбоблар ва воситалар
ТЧ	Тиббий чиқиндилар
ТЧБ	Тиббий чиқиндиларни бошқариш
ШИЮК	Шифохона ичи юқумли касаллик
ШҲВ	Шахсий ҳимоя воситалари



ЭН	Эпидемиологик назорат
ЮКН	Юқумли касалликлар назорати
ЮКЭМ АТ	Юқумли касалликларни эпидемиологик мониторинг қилиш ахборот тизими
ЮКП-ЮКН	Юқумли касалликлар профилактикаси ва юқумли касалликлар назорати
ЯЎРЮК	Янги ўткир респиратор юқумли касалликлари
ЎРЮК	Ўткир респиратор юқумли касалликлари
ЎСШ	Ўпкани сунъий шамоллаш
CDC	АҚШ нинг касалланишни назорат қилиш ва олдини олиш маркази
COVID-19	(CoronaVirus Disease 2019) SARS-CoV-2 коронавируси келтириб чиқарадиган, эҳтимолий оғир ўткир респиратор юқумли касаллиги (аввал-коронавирус юқумли касаллиги 2019-nCoV)
SARS-CoV-2	(Severe Acute Respiratory Syndrome CoronaVirus) – коронавирус, COVID-19 қўзғатувчиси
USAID	АҚШ нинг халқаро ҳамкорлик агентлиги
Агентлик	ССВ қошидаги Эпидемиологик осойишталик Агентлиги (2020 йил июль ойигача)
Инспекция	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат санитария-эпидемиология назорати инспекцияси (2020 йил июль ойигача)
Маслаҳатчи	МССТБМ COVID-19 лойиҳаси томондан ёлланган мутахассис
Эксперт	СЭХ ёки ДПМ мутахассиси.



МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШ

«Ўзбекистон Республикасида COVID-19 бўйича эпидемиологик назорат тизимининг жорий ҳолатини текшириш» ҳисоботи USAIDнинг «COVID-19га қарши маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимлари барқарорлигини таъминлаш» (COVID-19 MCCTBM) Ўзбекистонда лойиҳасини амалга ошириш доирасида тайёрланган.

Муратова Н.Б. COVID-19 MCCTBM лойиҳасининг давлатдаги директори, т.ф.н.;

Байызбекова Дж.А. COVID-19 MCCTBM лойиҳасининг минтақавий маслаҳатчиси, т.ф.д., профессор;

Маматова Р.Н. COVID-19 MCCTBM лойиҳасининг миллий маслаҳатчиси.

COVID-19 MCCTBM лойиҳаси маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикасининг Санитария-эпидемиология осойишталиги ва ижтимоий соғлиқни сақлаш Хизмати ва ушбу ҳужжатни тайёрлашга ўз ҳиссасини киритган маълумот йиғишда ҳамда иш гуруҳларида ва учрашувларда фаол иштирок этган, бошқа ташкилотлар раҳбариятига ва ходимларига ўз миннатдорчилигини билдиради:

Икромов Р.Н. Ўзбекистон Республикаси СЭХ эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқармасининг бошлиғи;

Ражабов Г.Х. Ўзбекистон Республикаси СЭХ юқумли ва паразитар касалликлар бўлимининг бош мутахассиси, т.ф.н.;

Каршиева Н.З. Ўзбекистон Республикаси СЭХ ўта хавfli юқумли касалликлар бўлимининг бошлиғи;

Кудашева Л.В. Ўзбекистон Республикаси СЭХ юқумли ва паразитар касалликлар бўлимининг бошлиғи, т.ф.н.;

Валиева Н.Ф. Ўзбекистон Республикаси СЭХ ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлилий бўлимининг бош мутахассиси;

Раджапбаева Г. П. Ўзбекистон Республикаси СЭХ ўта хавfli юқумли касалликлар бўлимининг бош мутахассиси;

Зарединов Д.А. Ўзбекистон Республикасининг бош радиолог шифокори, ТошТИ Гигиена кафедрасининг мудирини, т.ф.д.;

Хегай Т.Р. ЎзР Фанлар Академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институтининг геноми-ҳужайрали технологиялар лабораторияси мудирини, т.ф.д.;

Хадиев А.В. СДСнинг лаборатория қисми бўйича бош мутахассиси, т.ф.н.



ҲИСОБОТ БЎЙИЧА РЕЗЮМЕ

2020 йил март ойида USAIDга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигидан 2020 йил 31 мартдаги 06-50-03480-сонли мурожаат хати келиб тушган, унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан Ўзбекистонга COVID-19 пандемиясининг салбий таъсирига қарши курашишда ёрдам бериш тўғрисида сўров юборилган, ушбу сўров қондирилган бўлиб, 2020 йил май ойидан бошлаб USAID нинг «Маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимларининг COVID-19га қарши курашишда барқарорлигини мустаҳкамлаш, шу жумладан эпидемиологик назорат тизимини мустаҳкамлаш» (COVID-19 МССТБМ) лойиҳаси амалга оширила бошланди.

Пандемия даврида Ўзбекистон ҳукумати Санитария-эпидемиология осойишталиги хизматининг юқори даражали ва ўта кенг қамровли ислоҳотини бошлаб амалга оширди, унинг натижасида Агентлик ва инспекция ягона Санитария-эпидемиология осойишталиги хизматига бирлаштирилди. Ушбу ислоҳотдан кўзланган мақсад соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, Ўзбекистон аҳолисининг сифатли тиббий-профилактика хизматларидан тенг ҳуқуқли фойдаланишини кенгайтириш ва таъминлашдан иборат. Энг юқори даражада бир неча тузилмалар, хусусан, Бош вазир бошчилигидаги Республика махсус комиссияси, COVID-19нинг кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича штаб – Бош давлат санитария шифокори бошчилигидаги идоралараро орган, шунингдек, Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги COVID-19 билан касалланган беморларни даволашни ташкил этиш штаби ва коронавирус инфекциясига қарши кураш бўйича экспертларнинг илмий кенгаши.

Лойиҳа доирасида эпидемиологик назорат самарадорлигини таҳлил қилиш, уни амалга ошириш стратегиясини ва уни жорий этиш «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Тадқиқот давомида маслаҳатчилар миллий даражада ишни ташкил этиш ЖССТ тавсияларига мувофиқлигини ва уларга риоя қилишини аниқлади. Унинг **кучли жиҳатлари** – ҳокимият вертикали билан боғлиқ бўлган, яхши ташкил этилган тузилма. **Заиф жиҳатлари** – Хизматнинг қуйи бўлинмалари билан кучсиз алоқа. Хизмат ичида ҳам, бошқа манфаатдор томонлар билан ҳам горизонтал алоқалар яхши эмаслиги, тармоқ даражасидаги меъёрий-ҳуқуқий ва процессуал ҳужжатларнинг яхши ишлаб чиқилмагани, ЖССТ таснифига мувофиқ пандемиянинг барча босқичлари бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаларининг, шу жумладан COVID-19 тестдан ўтказиш сиёсатининг йўқлиги. Кўпгина муаммолар мунтазам бошқарув¹ тамойилларини ҳамда ИСО 9001 стандартига асосланган тизимли ёндашувни билмаслик ва фойдаланмасликдан келиб чиқади. Бу тамойиллар амалга оширилганда, ортиқча ресурсларни сарфлашни сезиларли даражада камайтириш ва самарадорлик коэффициентини ошириш мумкин бўлар эди. Ҳисоботни тайёрлаш пайтида заиф томон бўлган ва стратегиянинг устувор

¹ Мунтазам бошқариш бўйсунувчилар ишини расмийлаштиришни ва керакли миқдордаги бошқарув таъсирини онгли равишда амалга ошириш учун шароит яратишни ўз ичига олади (А. Фридман // <https://www.asfridman.com/blog/zametki/chto-takoe-reguljarnij-menedzhment/>)



Йўналишларидан бирига айланиши керак бўлган иккинчи муҳим компонент - бу кадрлар масаласи ва ходимларни бошқариш бўлган эди.

Ҳисоботда маслаҳатчилар мавжуд вазият, эришилган ютуқлар ва муаммолар, жумладан, юқорида санаб ўтилган жиҳатларни тўлиқ ва ҳар томонлама таҳлил қилиб, стратегия ва унинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар бердилар.

Ўзбекистон Республикасида COVID-19 эпидемиологик назорати тизимининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш.

1. КИРИШ МАЪЛУМОТЛАРИ

2020 йил май ойидан бошлаб АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (ингл. United States Agency for International Development, USAID) «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимларининг Covid-19 га қарши курашишда барқарорлигини мустаҳкамлаш» бўйича грант лойиҳасини (МССТБМ) амалга ошира бошлади.

Ҳамкорлар билан маслаҳатлашув давомида ҳар бир томоннинг роли белгилаб олинди, иш режаси ишлаб чиқилди ва лойиҳанинг алоҳида йўналишларини амалга ошириш учун жавобгарлик тақсимланди.

COVID-19 МССТБМ лойиҳасининг компонентларидан бири, тегишли стратегияни ишлаб чиқиш, шу жумладан барча жараёнларни такомиллаштириш ва тизимлаштириш бўйича тавсиялар, COVID-19 тарқалишига қарши курашишда эпидемиологларнинг салоҳиятини кучайтириш, ва зарур бўлганда, олинган тажрибадан эпидемик хусусиятдаги бошқа ўткир респираторли юқумли касалликлар учун фойдаланиш асосида, эпидемиологик назорат тизимининг салоҳиятини кучайтиришни назарда тутди.

Бу умумий концепция Санитария ва эпидемиологик осойишталиги агентлигининг 04.04.2020 йилдаги 14-08/2243-сонли хати билан тасдиқланган, аниқроқ чора-тадбирлар режаси эса Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати ёки СЭХ) 20.10.2020 йилдаги 14-8/4823-сонли хати билан маъқулланган.

СЭХнинг 30.09.2020 йилдаги 66-сонли буйруғига мувофиқ, амалдаги COVID-19 эпидемиологик назорати тизимини таҳлил қилиш учун, ҳамда, стратегияни ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш учун COVID-19 МССТБМ лойиҳаси маслаҳатчилари билан биргаликда Хизмат мутахассислари таркибида ишчи гуруҳ тузилди.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади сифатида 2023 йилгача янги коронавирус инфекцияси (COVID-19) эпидемиологик назорати тизимини такомиллаштириш бўйича стратегик режанинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш учун, барча манфаатдор



томонларнинг ҳиссаси ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, эпидемиологик назорат соҳасидаги ишларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, асосий муаммоларни ва мавжуд камчиликларни таҳлил қилиш бўлган.

2. ҲАМКОРЛАР БИЛАН МУВОФИҚЛАШТИРИШ

МССТБМ лойиҳаси мувофиқлаштиришни таъминлаш, лойиҳалар ўртасидаги алоқани осонлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги олдида турган вазифаларни ҳал қилишда комплекс ёндашувни таъминлаш мақсадида, USAID/АҚШ нинг Глобал соғлиқни сақлаш бюроси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек лойиҳанинг бошқа ҳамкорлари: ЖССТ, АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази (CDC USA), Халқаро Қизил Ҳоч федерацияси, Барқарор техник ва таҳлилий ресурслари лойиҳаси (STAR) билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

Ҳисобот 2021 йилнинг март-апрел ойлари ҳолатига кўра жорий вазиятни акс эттиради.

3. МАТЕРИАЛЛАР ВА УСУЛЛАР

Ҳисобот кабинетга оид тадқиқот натижалари, шунингдек тўпланган маълумотлар ва уларни таҳлил қилиш асосида тайёрланган: 1) дастлабки тадқиқот давомида тўпланган иккиламчи маълумотлар, шу жумладан меъёрий ҳужжатлар ва бошқа материаллар (хонадаги таҳлил), 2) масофавий ва шахсий учрашувлар давомида тегишли ташкилотлар мутахассислари билан ўтказилган суҳбатлар, 3) барча даражадаги мутахассисларнинг онлайн сўровидан фойдаланган ҳолда сўров ўтказиб олинган бирламчи маълумотлар, 4) шунингдек, барча манфаатдор ҳамкорлар билан иш учрашувлари ва давра суҳбатлари маълумотлари.

Ҳисоботда қуйидаги тузилма бўйича тадқиқот натижалари тақдим этилган:

- ◆ ЎРЮКнинг Рутинали ва дозор эпидемиологик назоратини қисман таҳлил қилган ҳолда, COVID-19 эпидемиологик назорати жорий ҳолатининг умумий шарҳи.
- ◆ COVID-19 эпидемиологик назорати тизимининг лаборатория хизматини кўриб чиқиш.
- ◆ COVID-19 эпидемиологик назорати тизимининг тузилиши ва бошқарувини кўриб чиқиш.
- ◆ Эпидемиологик назорат тизимини молиялаштиришни кўриб чиқиш.
- ◆ Эпидемиологик назорат тизимининг ресурсларини, шу жумладан кадрлар ва инсон ресурсларини кўриб чиқиш.
- ◆ COVID-19 эпидемиологик назорати тизимини тартибга солувчи қонунчиликни кўриб чиқиш.



- ◆ COVID-19 эпидемиологик назоратини амалга оширишга жалб қилинган турли идоралар ва ташкилотларнинг алоқа тизимини ва ўзаро ҳамкорлигини кўриб чиқиш.
- ◆ Аниқланган муаммоларни ва такомиллаштиришни талаб қиладиган йўналишларни муҳокама қилиш ва унинг натижалари.
- ◆ Тавсиялар.
- ◆ Иловалар:
 - COVID-19 ҳолатида ЮКНни ва эпидемиологик назоратни ташкил этишда кучли жиҳатлар ва камчиликларни аниқлаш учун ЖССТнинг ўзини ўзи баҳолаш воситаси;
 - COVID-19 эпидемиологик назоратининг бизнес (иш) жараёнлари;
 - COVID-19 эпидемиологик назорати тизимининг SWOT таҳлили.



ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚАРТИРИЛГАН УМУМЛАШТИРУВИ

**ЎРЮКнинг
рутинали ва
дозор эпиде-
миологик
назоратини
қисман таҳ-
лил қилган
ҳолда,
COVID-19
эпидемио-
логик назо-
рати жорий
ҳолатининг
умумий
шарҳи**

COVID-19га қарши курашни ташкил этиш «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги ва «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар доирасида амалга оширилмоқда. Аммо бу қонунларнинг моддалари COVID-19 ва пандемик даражада тарқалиши мумкин бўлган бошқа респиратор юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик назоратнинг барча соҳаларини қамраб олмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига SARS-CoV-2 нинг олиб кирилиши ва тарқалишининг олдини олиш, санитария-эпидемиологик осойишталик ҳолатини таъминлаш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида Бош вазир бошчилигидаги Республика махсус комиссияси, Бош давлат санитария шифокори бошчилигидаги COVID-19 кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича штаб (идоралараро орган), Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги COVID-19 билан касалланган беморларни даволашни ташкил этиш бўйича штаб ва Ўзбекистоннинг турли тиббиёт йўналишлари бўйича етакчи илмий мутахассисларидан иборат бўлган коронавирус юқумли касаллигига қарши курашиш бўйича экспертлар илмий кенгаши тузилди. Кенгашнинг мақсади беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва коронавирус касаллигига қарши курашиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Ўзбекистон пойтахти ва вилоятлари шифокорларига COVID-19 билан касалланган беморларни даволашда кўмаклашиш, даволаш курсини назорат қилиш ва даволашни ўз вақтида тузатиш мақсадида Штаб ташкил этилган бўлиб, у ҳар куни видео алоқа орқали (телетиббиёт консилиумлари деб аталувчи) профессорлар ва юқори малакали тиббиёт мутахассисларининг масофавий маслаҳатларини ташкил этади.

COVID-19 ҳолати биринчи рўйхатга олинган кундан бошлаб Ўзбекистон аҳолисини маълумот билан таъминлаш учун «Coronavirus Info» расмий Telegram-канали ишга туширилди.

Кўп сонли касалхоналар ва соғлиқни сақлаш марказлари COVID-19 беморларини даволаш учун қайта йўналтирилди. Тошкентда ва вилоят марказларида алоҳида тиббиёт марказлари – кенг ҳудудлар учун тақсимловчи шифохоналар очилди, уларда беморларга шошилиш тиббий ёрдам ва даволаш имкони берилди.



Халқаро донор ташкилотлар Ўзбекистонга грантлар, техник ёрдам ва қўшимча кредитлар шаклида молиявий ва техник ёрдам кўрсатди.

ЖССТ² тавсияларига кўра, гриппга ўхшаш ўткир респиратор касалликлар бўйича мавжуд эпидемиологик назорат тизимига COVID-19 эпидемиологик назоратини жорий этиш. Ушбу кириштириш шифокорлар ва соғлиқни сақлаш раҳбарларининг аҳоли ичида бошқа респиратор касалликлар ривожланиши тенденцияларини тушуниши, тегишли ресурсларни оқилона тақсимлаш ва ишлатишни таъминлаш, ҳамда COVID-19 беморларини куз-баҳор мавсумида фаоллашадиган бошқа респиратор касалликлардан фарқлаб ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлади³.

Ўткир респиратор касалликлар бўйича эпидемиологик назоратни ташкил этиш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 14.07.2014 йилги 242-сонли «Ўткир респиратор касалликлар эпидемиологик назоратини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига асосан амалга оширилади. Лекин 2018 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг грипп ва бошқа ўткир респиратор касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволаш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилганлиги Президентнинг ПҚ-3729-сонли «Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор касалликлар тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (18.05.2018 й.) кўрсатилган. Унда қуйидаги нуқсонлар қайд этилди:

- 1) ЎРЮКни рўйхатга олиш механизмининг номукамаллиги;
- 2) касалликларни мониторинг қилиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимининг яхши жорий этилмаганлиги;
- 3) ЎРЮК профилактикасининг замонавий усуллари бўйича барча йўналишдаги шифокорларнинг малака ошириш даражаси пастлиги.

COVID-19 эпидемиологик назоратини ташкил қилиш учун ҳам рутинани, ҳам дозор (ДЭН) эпидемиологик назоратни қўллаш мумкин. Уни танлаш Хизматнинг кадрлар ва ташкилий салоҳияти, молиялаштириш, ташкилий-бошқарув имкониятлари каби бир қатор талабларга қараб, у ёки бу назорат тизимини қабул қилишга тайёрлигига боғлиқ бўлади.

² COVID-19 санитария-эпидемиология назорати: вақтинча тавсиялар, 2020 йил 7 август

³ Инсоннинг COVID-19 юқумли касаллигининг эпидемиологик назорати стратегиялари. Вақтинча қўлланма 2020 йил 10 май



	<p>ДЭН COVID-19 ҳали жорий этилмаган, чунки бир неча йиллар давомида тўпланган етарли маълумотлар йўқ. Бундан ташқари, у одатда асосий соғлиқни сақлаш муассасаларида амалга оширилади, улар эса пандемия даврида ўзгартирилган, очилган ва ёпилган. Шу боис, экспертлар COVID-19 учун рутинали эпидемиологик назоратни қўллашни ҳозирча мақсадга мувофиқ деб ҳисобламайди.</p> <p>Ҳозирги вақтда рутинали эпидемиологик назорат кам ривожланган, чунки жойларда ишлаш учун ходимлар етарли эмас, стандарт иш шакллари йўқ, халқаро стандартларга мувофиқ маълумотларни йиғиш, узатиш ва таҳлил қилиш жараёнлари такомиллаштирилмаган.</p> <p>Тасдиқланган аниқ «стандарт ҳолат таърифи», «яқин контакт» ва бошқа атамалар йўқлиги COVID-19 эпидемиологик назоратини ўтказишни анча мураккаблаштиради. ЖССТ COVID-19 ҳолатининг стандарт таърифи ифодаланишини доимий янгилаб боради ва тавсия қилади⁴. Пандемияга қарши курашни қийинлаштирувчи яна бир ташкилий муаммо - ЖССТ таснифига мувофиқ пандемия босқичига қараб аниқ белгиланган сценарийларнинг йўқлиги, ҳамда прогностик ва белгилаб берувчи таҳлилларнинг йўқлигидир.</p> <p>Шунингдек, тиббиёт ходимлари ўртасида COVID-19 эпидемиологик назорати муҳим ва ҳал этилмаган муаммо бўлиб қолмоқда.</p>
<p>COVID-19 эпидемиологик назорати тизимининг лаборатория хизматини кўриб чиқиш</p>	<p>Ўзбекистонда бутун пандемия даври мобайнида COVID-19 коронавирус юқумли касаллигини аниқлаш сиёсати аниқ ишлаб чиқилмаган.</p> <p>ССВнинг 14.05.2020 йилдаги 10-5/1308-сон буйруғига асосан аҳолини COVID-19 бўйича тестдан ўтказиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология осойишталиги агентлигининг бўлинмалари белгиланди. Президентнинг ПФ-5814-сонли Фармонида асосан Агентликнинг таркибий бўлинмалари бўлган, тест натижалари бўлган сертификатларни бериш ҳуқуқига эга бўлган ПЗР лабораториялари ҳисобланган ОИТСга қарши кураш марказларининг ПЗР лабораториялари ҳам тестларни ўтказган. Ҳозирги вақтда ушбу лабораториялар янги СЭХ юрисдикциясига ўтди.</p> <p>Эпидемия даврида тест ўтказиш учун хусусий лабораторияларни жалб этиш тўғрисидаги қарор бир неча марта, тўлиқ тақиқлашдан то Агентлик ходимлари томонидан баҳолаш ўтказилгандан сўнг қисман рухсат беришгача ўзгартирилган, бироқ баҳолаш мезонларини ўз ичига олган ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.</p>

4 COVID-19 санитария-эпидемиология назорати: вақтинча тавсиялар, 2020 йил 7 август



Бундан ташқари, ИСО 17025 ёки ИСО 15189 каби ПЗР лабораториялари учун халқаро сифат стандартларининг йўқлиги хо-рижга чиқаётганлар учун кўплаб муаммоларни туғдирган, аммо клиник лабораторияларни ИСО 15189 халқаро стандарти бўйича аккредитациядан ўтишга мажбурловчи меъёрий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиётда қўлланиладиган лаборатория ва диагностика ускуналарининг метрологик назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 112-сон қарори 2018 йил 15 февралда қабул қилинган.

COVID-19 учун тест тизимлари сифатини назорат қилиш учун норматив-ҳуқуқий база йўқ. РесСЭХда расмий равишда референс-лаборатория бўлса ҳам, аслида у бир қатор сабабларга кўра ПЗР тестларининг сифатини назорат қилмайди.

ЖССТ лойиҳаси доирасида лабораторияларнинг сифатини ташқи баҳолаш бажарилди. Хусусан, ЖССТ маслаҳатчилари намуналарни йиғиш ва ташиш, ва уларнинг сифати билан боғлиқ муаммоларни кўрсатди. COVID-19 гумон қилинган ҳолатларнинг лаборатория текшируви қисман COVID-19 Миллий қўлланмасида белгиланган. Амалиёт шуни кўрсатадики, ушбу амалларни ЖССТ тавсиялари асосида ҳар бир босқични батафсил баён этган ҳолда СOT шаклида расмийлаштириш яхшироқ бўлади.

ПЗР тестларини ўтказиш мумкин бўлган лабораториялар ҳақида керакли ва ишончли маълумот йўқлиги аҳоли учун жиддий муаммо бўлган.

COVID-19 эпидемиологик ҳолатини таҳлил қилиш ва прогноз қилиш учун шахсийлаштирилмаган маълумотлар етарли бўлса ҳам, лаборатория хизмати ва эпидемиология хизмати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тартибларини тавсифловчи, юқори сифатли эпидемиологик назоратни таъминловчи меъёрий ҳужжатлар йўқ. Лекин жойларда профилактика чораларини ишлаб чиқиш учун шахсийлаштирилган маълумотларни энг қисқа муддатда олиш керак. Ушбу талаб бажарилмаяпти, хизматнинг эпидемиология бўлимлари ҳам давлат лабораторияларидан, ҳам SARS-CoV-2 ташхисини қўйиш ҳуқуқига эга бўлган хусусий лабораториялардан ижобий ва салбий натижалар – барча тест натижалари тўғрисида маълумот олмаяпти.

Лаборатория ускуналари, сарф материаллари ва тест тизимлари бўйича эҳтиёжларни ва логистикани аниқлаш тизими муаммоси ҳали ҳал қилинмаган. Тест ўтказиш сиёсатининг ва прогнозлаш тизимининг йўқлиги сабабли таҳлилларни ўтказиш учун қанча тест тўплами талаб қилиниши мумкинлигини аниқлаш мумкин бўлмади.



	<p>ПЗР лаборатория тадқиқотларини ўтказиш учун лаборатория асбоб-ускуналари ва аппаратурасининг етишмаслиги амалда эскирган лаборатория диагностика усулларидадан фойдаланилишига олиб келади.</p>
<p>COVID-19 эпидемиологик назорати тизимининг тузилиши ва бошқарувини кўриб чиқиш</p>	<p>2019 йилда ДСЭНМ иккита мустақил тузилмага - Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Агентлик ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Инспекцияга бўлинган, ва ДСЭНМнинг функциялари қисқартирилиб, улар ўртасида бўлинган. Бунда, иккала тузилмада ҳам мутахассислар штатлари сезиларли даражада қисқартирилди.</p> <p>Пандемия бошланганда, иккита бўлинган тузилма бундай форматда ва бундай ҳолатда ўз вазифаларини бажара олмаслиги маълум бўлди. Шу сабабли, ҳукуматнинг қарори билан, 2020 йил ёзида Инспекция ва Агентлик бирлаштирилди ва кенгайтирилди. Қайта тикланган Хизматнинг бир қатор асосий вазифалари қайтарилиб, ходимлар сони кенгайтирилди. Лекин охириги бир неча йил ичида Хизматнинг кўп маротаба ислоҳ қилиниши, жумладан, унинг вазифалари, масъулият соҳаларининг сезиларли ўзгариши, айниқса, COVID-19 пандемияси ривожланиши даврида ва ундан аввалроқ унинг таркибий қайта ташкил этилиши, самарали COVID-19 эпидемиологик назорати фаолиятни ташкил этишда муайян қийинчиликлар яратади.</p> <p>Президентнинг ПҚ-4790-сонли қарори билан Санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизматининг ташкилий тузилмаси, марказий аппаратнинг тузилмаси ва Хизмат тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ҳудудий таркибий бўлинмалар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар (намунавий низомлар) ишлаб чиқилмоқда.</p> <p>Тўлиқ PDCA циклининг тамойиллари асосида режалаштириш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва тизимли назорат қилиш мавжуд эмас ⁵.</p>

5 PDCA Plan-Do-Check-Act (Режалаштир-Қил-Ўрган-Ҳаракат қил, – таҳрир.) сўзларининг қисқартмаси. СМКнинг асосий тушунчаларидан бири. Бу оддий ва мантиқий ҳаракатлар кетма-кетлигининг циклидир. Фаолиятни режалаштириш ва унга талаблар яратиш керак, шунда кейин аниқ мезонлар асосида иш қанчалик муваффақиятли бажарилганлигини баҳолаш мумкин бўлади. Режалаштирилган ҳаракатларни нисбатан тор иш соҳасида, муваффақиятсизликка учраган тақдирда катта йўқотиш хавфи бўлмаган соҳада синаб кўриш керак, кейин натижани таҳлил қилиш ва техник хусусиятларга ёки ишга ўзгартириш киритиш керак. Сўнг ишни давом эттириш мумкин. Кейин ўзгарувчан муҳитга доимий мослаша олиши учун, ташкилот учун мослашувчанликни таъминлаш учун циклни қайта-қайта такрорлаш керак (1cert.ru: <https://1cert.ru/stati/pdca-prostyimi-slovami> | 2020 © Ягона Стандарт)



	<p>Шунингдек, жойларда ишларнинг самарасиз ташкил этилиши, эпидемия ривожланишининг олдини олиш бўйича барча чора-тадбирларни мувофиқлаштирмаслик ва барча хизматларнинг узлуксиз ўзаро ҳамкорлигини таъминлашнинг суствлиги ҳам муаммо бўлиб қолмоқда.</p> <p>Эпидемиологик назорат тизимини, жумладан, ташкилий, мунтазам бошқарув ва жараёнли ёндашиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш, ва унинг сифатини ошириш бўйича кейинги ишларни амалга ошириш зарур. Хизмат учун профессионал менежерларни тайёрлаш тизимини яратиш муҳим жиҳат бўлади.</p>
<p>Эпидемиологик назорат тизимини молиялаштиришни кўриб чиқиш</p>	<p>Санитария-эпидемиология хизматини, шу жумладан, эпидемиялар авж олган пайтда молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, асосан, Фонднинг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади ⁶.</p> <p>СЭХ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати инспекцияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология осойишталиги агентлиги эга бўлган молиявий маблағларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ⁷. Суҳбат давомида экспертлар мавжуд маблағлар COVID-19 эпидемиологик назорати тизимини сақлаб қолиш учун етишмаслигини таъкидлаганлар.</p> <p>Барча даражадаги раҳбарларнинг молиявий менежмент ва соғлиқни сақлаш технологияларини баҳолаш соҳасида паст саводхонлиги, иқтисодий билим ва тегишли малакалари йўқлиги молиялаштириш ва молиявий оқимларни режалаштиришнинг тизими самарасиз бўлишига, яхши тайёрланган узоқ муддатли ва ўрта муддатли режалар, жумладан устувор йўналишлари бўлган молиявий режалар бўлмаслигига олиб келади; шунингдек, ССТБ (Соғлиқни сақлаш технологиясини баҳолаш) технологияси тавсияларига мувофиқ йўқотишларни камайтириш йўллари топиш заруриятига олиб келади.</p> <p>Оқибатда: молиялаштириш етарли эмас; зарур янги асбоб-ускуналар харид қилинмайди (кўп жойларда маънавий ёки ҳатто</p>

6 6-боб. Санитария-эпидемиология хизмати ходимларини молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш. Санитария-эпидемиология осойишталиги ва аҳоли саломатлиги хизмати тўғрисидаги низом (ПҚ-4790-сонли қарорга 3-илова).

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясининг оқибатларини юмшатиш, санитария-эпидемиология осойишталиги ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон Фармони.



жисмонан эскирган ускуналар ишлатилади). Лабораториялар, хусусан, ПЗР лабораториялари учун техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сарф материалларини харид қилиш учун етарли маблағ ажратилмайди. Ишламайдиган асбоб-ускуналарни тиклаш учун зарур бўлган бутловчи материаллар харид қилинмаяпти.

Эпидемиологик назорат тизимининг ресурсларини, шу жумладан кадрлар ва инсон ресурсларини кўриб чиқиш

Эпидемиология соҳасида ихтисослашган мутахассисларнинг етишмаслиги доимо асосий муаммолардан бири бўлиб келган. Лекин Ўзбекистонда COVID-19 пандемияси ривожланган даврида эпидемиология ходимлари билан боғлиқ вазият энг қийин бўлган эди, аниқланган COVID-19 ҳолатлари бўйича маълумотларни йиғиш амаллари мажбуран ҳолда тиббиёт муассасалари тармоғига ўтказилиши бунинг исботи бўлган.

Ҳукумат пандемия даврида мутахассисларни жалб қилиш учун, тиббиёт ходимлари учун компенсация дастурини ишга туширди. COVID-19ни даволаш ва профилактикаси бўйича онлайн ўқув курслари ўтказилди. Шунингдек, тиббий профилактика факультетларининг охириги курс талабалари ҳамда эпидемиология ва юқумли касалликлар кафедраси магистрантлари эпидемиолог бўлиб ишлаш учун сафарбар этилди.

Ходимларни замонавий бошқаришни жорий этиш Хизматнинг мавжуд ресурсларини тўғри тақсимлашга ёрдам беради. Эпидемиологлар, айниқса, юқори малакали эпидемиологлар сони кам бўлгани сабабли, улар жойларда одатдаги маълумот йиғиш эмас, балки таҳлил ва профилактикани ташкил этиш билан шуғулланиши учун кўпроқ вақт ва имкониятларга эга бўлиши учун, уларнинг иш жараёнларини ва функционал имкониятларини қайта кўриб чиқиш лозим. Маълумот йиғиш эса ҳужжат шакллари, кўрсатмалар, алгоритмлар ва барча жараёнларнинг аниқ шакли яратилгандан сўнг, тегишли ўқитишдан кейин, СЭХ ва ПМСП ҳамшираларига топширилиши мумкин. Эпидемиологик назорат ўрнига ҳозир давлатда кузатилаётган аниқланган ҳолатлар сонини оддий ҳисоблаш билан алмаштириш мумкин эмас (буни даволаш муассасалари тармоғи ҳам эплай олади). Эпидемиологик назорат-эпидемияга самарали қарши курашиш учун таҳлил асосида амалга ошириладиган хавф омилларини кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, прогнозларни ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишнинг комплекс тизимидир.

Зарурий белгилаб берувчи ҳужжатлар (стандарт вазиятлар бўйича йўриқномалар, СОТлар, тавсиялар ва бошқалар) йўқлиги барча ходимлар учун юқори даражали стрессга ва барча даражадаги раҳбарларга тушадиган иш юкининг ортишига олиб кела-



	<p>ди. Сабаблари: меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тайёргарликнинг пастлиги, илмий-таълимий ташкилотлар ва амалий соғлиқни сақлаш ўртасидаги алоқаларнинг йўқлиги, амалий ходимларнинг илмий тадқиқот ишларини олиб боришга ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этишга қизиқишининг йўқлиги.</p> <p>Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида «Тибтехника» ташкилоти давлат тузилмасидан чиқарилди ва хусу-сий ташкилот бўлиб қолди. СЭХнинг давлат лабораторияларида унинг хизматлари - ускуналарга, айниқса, юқори технологияли ускуналарга кафолатли хизмат кўрсатиш тугагандан сўнг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун тўлаш учун етарли маблағ йўқ. «Тибтехника» Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидан чиқарилгандан кейин ускунанинг ҳолатини мониторинг қилиш тизими ишламай қолди. Ходимлар тиббий муҳандисларни чақириш учун жиҳозларнинг ҳолатини қачон ва қандай мониторинг қилиш ва текшириш бажарилиши лозимлигини доимо билвермайди. Тиббий муҳандислар ўта кам.</p> <p>Халқаро жамғармалар томонидан ажратилган қўшимча маблағларга ва молиявий ёрдамга қарамай, кўплаб тадбирлар учун зарур ресурслар етмайди. Яқин келажақдаги истиқбол учун фаолият йўналишларини ва уларни амалга ошириш учун зарур ресурсларни аниқлаш учун, бутун СЭХ учун ҳам, эпидемиологик назорат учун ҳам тадқиқот ўтказиш ва бизнес-режани ишлаб чиқиш зарур бўлади.</p>
<p>COVID-19 эпидемиологик назорати тизимини тартибга солувчи қонунчиликни кўриб чиқиш</p>	<p>Хизмат ўз ишини асосан Президентнинг ПҚ-4790-сон қарорига асосланиб амалга оширади, ушбу қарор билан Санитария-эпидемиология осойишталиги ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш хизматининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарат тузилмаси ва «Хизмат тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Таркибий бўлинмалар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар (намунавий низомлар) ишлаб чиқилмоқда. Пухта ишлаб чиқилган меҳнат регламентлари, процессуал ҳужжатлар, тасдиқланган стандарт шакллар мавжуд эмас.</p> <p>Бошқа аниқланган муаммолар: меъёрий (қонун ва қонуности) ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш, жорий этиш ва бекор қилиш жараёнларини аниқ белгилаб берувчи тизим мавжуд эмас, масъул шахс ёки бўлим мавжуд эмас, меъёрларни яратишга ўргатиш бўйича кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас.</p> <p>Айни пайтда қонунчилик тизимини, меъёрларни яратиш тартиб-таомилларини ва меъёрий ҳужжатларнинг ўзини такомиллаштириш бўйича ниҳоятда катта ишлаш имкони мавжуд.</p>



**COVID-19
эпидеми-
ологик на-
зоратини
амалга оши-
ришга жалб
қилинган тур-
ли идоралар
ва ташкилот-
ларнинг ало-
қа тизимини
ва ўзаро ҳам-
корлигини
кўриб чиқиш**

Санитария-эпидемиология хизмати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйи ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширади⁸.

Юқумли бемор⁹, айниқса ОЎРК/ЯЎРК билан касалланган бемор аниқланганда, даволаш муассасаси шошилиш хабарномани (058/у сонли шакл) СЭХнинг ҳудудий таркибий бўлинмасига 24 соат ичида тақдим этилиши керак. COVID-19 эпидемияси даврида ушбу тизимга риоя қилинган, деб тахмин қилиш мумкин, лекин қуйидаги саволлар очиқ қолган: даволаш-профилактика муассасасидан СЭХга ким, қандай қилиб (электрон форматда ёки қоғозда), қайси муддатда ва айнан қандай мажбурий маълумотни юбориши керак, шунингдек, даволаш муассасасига қандай маълумот ва қандай форматда, қайси муддатда ва кимга қайтарилиши керак. 2020 йил ёзида эпидемия авжига чиққанида, COVID-19 беморлари ва контактда бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотни юбориш тартиби ўзгартирилди. ДПМ, ПМСП муассасалари ва стационарлардан олинган маълумот соғлиқни сақлаш бошқармаларининг турли даражадаги тузилмалари орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигига, ва ундан кейингина жамланган ҳолда – Республика СЭХ эпидемиология бўлимига юбориладиган бўлди.

COVID-19 эпидемиологик назорати тизимига жалб қилинган турли идоралар ва ташкилотларнинг мулоқоти ва ўзаро алоқалари тизимини такомиллаштириш керак. Пандемия даврида амалда бўлган ахборот узатиш оқимлари ҳақиқатда ишламаган, бунда вертикал ва горизонтал ахборот оқимларининг бузилиши аниқланган. Стандарт ҳолатнинг аниқ таърифлари, пандемия шароити учун мақбул бўлган пухта ишлаб чиқилган ҳисоб ва ҳисобот шакллари, эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш параметрлари ва мезонларининг йўқлиги эса тўпланган маълумотлар ҳар доим ҳам релевант бўлмаслигига, ҳамда зарур эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш мақсадида эпидемиологлар томонидан таҳлил қилиш учун яроқли бўлмаслигига олиб келди.

⁸ Санитария-эпидемиология осойишталиги ва аҳоли саломатлиги хизмати тўғрисидаги низом (ПҚ-4790-сонли 3-илова).

⁹ Ўткир респираторли инфекциялар бўйича эпидемиологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш. Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 14.07.2014 й. даги 242-сонли буйруғига 1-илова.



Оператив маълумотларни тўплаш телефон орқали, бир неча идора орқали амалга оширилган, бу эса узатиладиган маълумотнинг бузиб кўрсатилиши хавфини сезиларли даражада оширган. Йиғилган маълумотларни текшириш тизими бўлмаган. Натижада, турли манбалардан олинган маълумотларда тафовутлар юзага келди, бу тўпланган статистик маълумотга ишончсизликни кучайтириб, ҳамда малакали таҳлил қилиш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга имкон бермади.

Тиббий муассасалар ва соғлиқни сақлаш бўлимлари тизими орқали маълумотлар йиғиш функцияларининг ўтказилиши даволаш тармоғига юкнинг ошишига олиб келди, бу эса даволаш хизматларини кўрсатишдан ташқари, маълумот тўплашни ўз зиммасига олди. Аммо маълумот тўплаш эпидемиологик назорат ўрнини боса олмайди, унинг асосий компоненти - эпидемиологик таҳлил асосида далилларга асосланган қарорлар қабул қилишдир.

Муаммолар:

- ◆ Иккала йўналишда маълумот узатишни ташкил этиш учун моддий-техник таъминотнинг етишмаслиги.
- ◆ Ходимлар билан таъминланмаганлик (мутахассислар етишмаслиги).
- ◆ Тайёргарлик пастлиги ва малакали кадрларнинг етишмаслиги.
- ◆ Стандарт тартибларни амалга ошириш бўйича йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги.
- ◆ Аниқ белгиланган асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) йўқлиги сабабли ҳисобот шаклларининг такрорланиши.
- ◆ Ходимларнинг етишмаслиги, касалланишни қайд этиш ва қарор қабул қилиш учун энг муҳим бўлган кўрсаткичлар бўйича ҳисобот бериш бўйича ходимлар тайёргарлиги пастлиги.

СЭХ томонидан ПЗР лабораторияларидан даволаш-профилактика муассасаларига ва эпидемиология назорати хизматида маълумотларнинг ўз вақтида узатилишини назорат қилиш муаммоси ҳал қилинмаган.

СЭХ ходимлари орасида тангликни бартараф этиш ва аҳоли ишониши учун салбий инфодемия (ОАВдаги ахборот пандемияси)нинг олдини олиш мақсадида, оммавий ахборот воситаларида малакали ахборот кампанияларини тайёрлаш учун PR технологияларини ва фактчекингни яхши биладиган мутахассислар йўқ. Бундай мутахассисларни тайёрлаш ҳамда журналистлар, маркетинглар, PR-мутахассислари билан мулоқот қилиш керак.

**Натижалар ва муҳокамалар**

Тадқиқот жараёнида асосий иш жараёнлари, уларни ишлаб чиқиш, стандартлаштириш ва жорий этиш даражаси таҳлил қилинди. Иш жараёнларининг ва «ЖССТнинг COVID-19 профилактикаси ва назорати бўйича техник тавсияларини амалга ошириш (Миллий даражада баҳолаш воситаси)» ўз-ўзини баҳолаш воситасининг таҳлили ва SWOT-таҳлил асосида, стратегик режалаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди, улар ЎзР Санитария-эпидемиология осойишталиги ва аҳоли саломатлиги хизматининг экспертлар ишчи гуруҳи билан муҳокама қилинди ва келишилди.

Самарали эпидемиологик назоратни амалга ошириш учун ЖССТ 6 та фаолият йўналишини тавсия қилади (Иловалар, 1-жадвалга қаранг). Бунда, COVID-19 эпидемиологик назоратини миллий даражада мувофиқлаштириш ва COVID-19 эпидемиологик назоратига оид миллий сиёсатнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш Хизмат раҳбарларининг ваколатига киради. COVID-19 эпидемиологик назоратининг усуллари, ҳамда тиббиёт ходимлари ичида COVID-19 эпидемиологик назорати ва хавфли омилларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар эса бош муассасалар ва илмий муассасалар ваколатига киради. Барча манфаатдор томонлар ўртасида ахборот оқимларини ва фикр алмашишни тўғри ташкил этиш муҳим ўрин тутди. Яна бир муҳим компонент – микробиологик ва лаборатория ёрдамидир. Ушбу компонентларнинг барчаси турли даражадаги СЭХ бўлинмалари ваколатига киради.

1-жадвалдан кўринишича, миллий даражада ЖССТнинг деярли барча тавсиялари амалга оширилган, лекин қолган компонентлар янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Миллий стратегияга киритиш зарур бўлган биринчи йўналиш - ягона ҳужжатда асосий тушунчаларни ва уларнинг оператив таърифларини аниқ шакллантириш ва тасдиқлашдир. Шундан кейин барча стандарт шакллар, баённомалар, тартиботлар, иш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳамда уларни COVID-19 эпидемиологик назорати бўйича ягона қўлланмага жамлаш керак. «COVID-19 эпидемиологик назорати бўйича бизнес жараёнлари» номли 1-диаграммада асосий иш жараёнлари кўрсатилган, шунингдек, уларнинг қайси бири қисман ёзилганлиги ёки тавсифи турли ҳужжатларда тарқалганлиги, лекин улар амалга оширилмаётганлиги, қайси жараёнлар ёзилмаганлиги, лекин ижрочиларнинг ихтиёрига кўра амалга оширилиши, қандай жараёнлар ёзилмаганлиги ва бажарилмаслиги кўрсатилган. Таҳлил қилиш ва иш сифатини баҳолаш соҳасида аҳвол яхши эмас (A2-илова, 1-диаграмма). Бундан ташқари, турли хил пандемия сценарийларида ҳаракатлар режалари ёзиб чиқилган бирорта ҳам ҳужжат йўқ.



Яъни, барча ишлар проактив эмас, реактив жавоб бериш тамойиллари асосида амалга оширилади. Бу Хизматнинг шундоқ ҳам чекланган маблағларининг ортиқча сарфланишига ва нотўғри ишлатилишига олиб келиши мумкин.

Офисда таҳлил қилиш, турли даражадаги мутахассисларнинг суҳбатлари ва сўровлари давомида, стратегияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнида биринчи навбатда Хизмат учун ва бошқа манфаатдор томонлар учун меъёрий ва тартибот ҳужжатларни яратишга устувор аҳамият бериш кераклиги аён бўлди. Бирламчи маълумотларни тўплаш ишларини камроқ малакали ходимларга (эпидемиолог ёрдамчиларига ёки ПМСП ҳамшираларига) топшириш мақсадида, функционал мажбуриятларни қайта кўриб чиқиш ва қайта тақсимлаш йўли билан ходимларни бошқаришни такомиллаштириш, ва эпидемиологлар ўртасида таҳлилий ишлар, башоратлаш, эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириш ва бажарилаётган ишлар сифатини баҳолаш асослари бўйича ўқитишни ўтказиш керак.

Юқумли касалликлар мониторинги бўйича электрон ахборот тизимининг қайта тикланиши эса ахборот йўқотилишига ва бузиб кўрсатилишига йўл қўймаган ҳолда, ахборот тўплаш ва барча манфаатдор шахслар ўртасида ахборот оқимини тўғри ташкил этишда катта ёрдам бериши мумкин. ЖССТ тавсияларига кўра ва ССВнинг 14.07.2014 йилдаги 242-сонли «Ўткир респираторли юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи асосида барча ўткир респираторли юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик назорат битта тизимда ташкил этилиши лозим. Лекин ЎзР Президентининг «Ўзбекистон Республикасида грип ва бошқа ўткир респиратор юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3729-сон қарори (18.05.2018 й.) билан, хусусан, қуйидаги соҳаларда ССВнинг ишлари қониқарсиз деб топилди: ЎРЮКни қайд этиш механизмлари мукамал эмаслиги, касалликларни мониторинг ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимининг паст жорий этилганлиги, барча йўналишдаги шифокорлар учун замонавий ЎРЮК профилактикаси усуллари бўйича малака оширишнинг даражаси пастлиги. Пандемия даврида бу муаммолар яққол намоён бўлди. Шу сабабларга кўра стратегиянинг яна бир муҳим таркибий қисми - электрон ахборот базасини ва ЎРЮКни қайд этиш учун ахборот тизимини яратиш ҳисобланади.



ТАВСИЯЛАР

Эпидемиологик назоратни ташкил этиш бўйича тавсиялар

1-тавсия. COVID-19 эпидемиологик назоратини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, Хизмат ичида турли ташкилот ва бўлинмалар функцияларининг такрорланишини истисно этувчи тартибга солувчи ва меъёрий ҳужжатларни аниқ белгилаш. Ягоналаштирилган электрон қайд этиш шакллари жорий этиш, «COVID-19 стандарт ҳолатининг таърифи», «яқин контакт» таърифи, «COVID-19дан ўлим ҳолати»нинг стандарт таърифини тасдиқлаш, бизнес жараёнлари бўйича иш йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, юқумли касалликларни назорат қилиш электрон тизимининг ишлашини тиклаш.

2-тавсия. COVID-19 эпидемиологик назорати тизимини гриппга ўхшаш ўткир респиратор касалликлар эпидемиологик назоратининг мавжуд тизимларига киритиш лозим.

3-тавсия. Хизматнинг ҳудудий муассасаларига даволаш-профилактика муассасаларида аниқланган COVID-19 ҳолатлари ҳақида хабарларни электрон (контактсиз) узатиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Шу жумладан, COVID-19 пандемиясига қарши курашишда иштирок этувчи ҳамкорларга ва турли идораларга тақдим этиш учун, онлайн алмашинув учун маълумот/кўрсаткичлар/индикаторларнинг аниқ рўйхатини ва маълумотларни тақдим этиш муддатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4-тавсия. Дастурий таъминотни янгилаш бўйича техник топшириқларни ишлаб чиқиш, юқумли касалликларни электрон кузатиш ускуналари билан жиҳозлашни амалга ошириш.

5-тавсия. Ташкил этилган Марказнинг функционал вазифаларига соғлиқни сақлаш ва унинг таркибий бўлинмалари кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва истиқболларини аниқлаш, ҳамда таҳлил қилиш, прогнозлаш ва моделлаштириш, далил-исботли асосда олдини олиш чора-тадбирларини ва стратегик қарорларни ишлаб чиқиш жараёнларини киритиш.

6-тавсия. Прогностик ва белгилаб берувчи таҳлиллот бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7-тавсия. Юқори малакали эпидемиологлар захирасини яратиш стратегиясини ишлаб чиқиш.



Лаборатория хизмати учун тавсиялар

1-тавсия. ССВ нинг буйруғи билан, юқори сифатли эпидемиологик назоратни таъминлаш учун, мулкчилик шаклидан қатъи назар, SARS-Cov-2 диагностикасини амалга оширувчи барча лабораториялардан мусбат ва манфий натижалар бўйича шахсийлаштирилган маълумотнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдиган COVID-19 бўйича эпидемиологик вазиятни таҳлил қилиш ва башоратлаш ишлари учун, лаборатория хизмати ва эпидемиология хизмати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тартибларини тавсифловчи меъёрий ҳужжатларни (СОТ/йўриқнома/қўлланма) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2-тавсия. SARS-Cov-2 бўйича тест натижалари асосида тўлиқ шахсийлаштирилган маълумотни тезкор йиғиш учун ягона ЛИС тизимини ишлаб чиқиш. Мулкчилик шаклидан ва лаборатория диагностикаси туридан (ПЗР/ИФТ) қатъи назар, SARS-Cov-2 бўйича тестларни бажарадиган барча лабораторияларда ЛИС тизимини жорий этиш. Лаборатория раҳбарлари маълумотнинг ўз вақтида ва тўлиқ етказилишини таъминлаши керак.

3-тавсия. Лабораторияларни баҳолашни ўтказиш ва SARS-Cov-2 диагностикаси учун тест тизимлари сифатини баҳолаш учун референс-лабораторияларини белгилаш, тест тизимларининг сифатини ва тестлар ўтказилиши сифатини ташқи ва ички баҳолаш учун СОТларни ишлаб чиқиш ва ССВнинг буйруғи билан тасдиқлаш. Референс-лабораторияларини SARS-CoV-2 тест тизимлари сифатини баҳолаш учун стандарт панеллар билан таъминлаш, сифатни баҳолаш юзасидан маълумотлар ССВга ва лабораторияларга тезкор тарзда, СОТда тасдиқланган муддатдан кечиктирмасдан юборилиши керак.

4-тавсия. Халқаро сифат стандартларига мувофиқлаштирилиши лозим бўлган SARS-Cov-2 диагностикаси бўйича рўхсат олиш учун лабораторияларни баҳолаш мезонлари бўйича қўлланмани ишлаб чиқиш ва ССВнинг буйруғи билан тасдиқлаш. Идоравий мансублигидан (ССВ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ҳарбий, ветеринария) ва мулкчилик шаклидан (давлат ва хусусий) қатъи назар, барча ПЗР лабораторияларининг харитасини тузиш, ходимларни ўқитишни ташкиллаштириш. Лабораторияларни COVID-19 пандемиясига қарши курашиш тизими ва жараёнларига киритиш режасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамаси даражасида тасдиқлаш.

5-тавсия. ССВнинг буйруғи билан СЭХнинг ПЗР лабораториялари учун ИСО 15189 халқаро стандартлари бўйича аккредитациядан ўтиш режасини тасдиқлаш. Лаборатория хизматини баҳолашни ўтказиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,



лаборатория ускуналари, тест тизимлари ва сарф материалларини эҳтиёжларини баҳолаш ҳамда харид қилиш логистикаси бўйича қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

6-тавсия. SARS-CoV-2 лаборатория диагностикасининг бошқа усулларини (ИФТ, ген диагностикаси - вирус РНКсининг изотермик экспресс-усули ва бошқалар) ва тестлар сифатини баҳолашнинг бошқа усулларини жорий этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ССВда тасдиқлаш. Умумаҳоли иммунитетининг ҳолатини баҳолаш учун SARS-CoV-2 анти-таначалари мавжудлиги бўйича скринингни ва қўлланмани ишлаб чиқиш.

7-тавсия. Вирусологик лабораторияларда ишлашда юқумли касалликлар хавфсизлигини таъминлаш, сифатли шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ) билан таъминлаш ва улардан тўғри фойдаланишни таъминлаш, ҳамда В синфига оид тиббий чиқиндиларни бошқаришни ташкил этиш учун қўлланмаларни ёки СОТларни ишлаб чиқиш ва ССВнинг буйруғи билан тасдиқлаш. Ходимларни ўқитиш ва ўз вазифаларини бажарилишини назорат қилишни йўлга қўйиш.

8-тавсия. Таянч тиббий ва биологик маълумоти бўлган вирусология мутахассисларининг ўқув юртидан кейинги босқичда тайёрлаш бўйича инновацион дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. SARS-CoV-2 лаборатория диагностикаси бўйича малака ошириш курсларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Лабораторияларда малакали тиббиёт ва лаборатория ходимлари етишмаслигини бартараф этиш, ходимларга бўлган эҳтиёжни мониторинг қилиш ва текшириш тизимини яратиш, ходимлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича давлат буюртмасини бажариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ССВ даражасида тасдиқлаш.

9-тавсия. Барча муҳим респиратор вируслар (SARS-CoV-2, MERS-CoV, SARS-CoV ва мавсумий коронавируслар) учун ПЗР диагностика панелларидан фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, чунки бу қайси респиратор вируслар аҳоли ичида айланиб юрганлиги ва эпидемиологик тангликни келтириб чиқариши юзасидан ишончли манзарага эга бўлиш, ЎРБИОК оғир кечилишининг сабабларидан бири бўлиши мумкин бўлган қўшма юқиш ҳолатларини ўрганиш га имкон беради. Янги вируснинг табиатини, киришуви кўламини, юқиши йўллари ва оқибатларини тушуниш учун, барча аввал мавжуд бўлган ва янги респиратор вирусларнинг иммунобиологик ва генетик хусусиятларини тизимли таҳлил қилиш керак. Фақат вируснинг мавжуд вариантларини қиёсий таҳлил қилиш орқали унинг тар-



қалиши ва патогенлигини прогноз қилиш моделларини, бунинг натижаси сифатида эса эпидемияга қарши ҳаракатларнинг яхши асосланган алгоритмини яратиш мумкин бўлади.

10-тавсия. Лабораторияда ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, асбобларни калибрлаш ва таъмирлашни таъминлайдиган муҳандислик-техник хизматлар тизимини яратиш.

11-тавсия. Ускуналар, сарф материалларига бўлган эҳтиёжни баҳолаш тизимини, шунингдек, лабораториялар учун сарф материаллари ва аксессуарларни харид қилиш тизимини йўлга қўйиш.



ИЛОВАЛАР

A1. COVID-19 ҲОЛАТИДА ЮКН НИ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КУЧЛИ ЖИҲАТЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ УЧУН ЖССТНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БАҲОЛАШ ВОСИТАСИ (1-жадвал)

5	COVID-19 нинг эпидемиологик назорати*	52%
<i>Баҳолаш учун компонентлар (Қизил ёзув = бўш жой ёки "Йўқ" жавоби)</i>		<i>Оценка (Y / N) (Ҳа / Йўқ)</i>
5.1	COVID-19 эпидемиологик назоратини миллий даражада мувофиқлаштириш	100%
5.1.1	Миллий даражада COVID-19 га қарши курашиш бўйича оператив штаб мавжуд бўлиб, унинг вазифаларига, шу жумладан, COVID-19 эпидемиологик назорати масалалари киради.	у
5.1.2	Миллий COVID-19 эпидемиологик назорати дастури ҳукумат ва миллий ҳокимият органлари томонидан яратилади ва қўллаб-қувватланади (шу жумладан молиявий жиҳатдан ҳам).	у
5.1.3	COVID-19 эпидемиологик назоратини амалга ошириш учун миллий даражада раҳбарлар ва ходимлар тайинланган	у
5.1.4	Эпидемиологик назорат дастури давлат даражасида ва айрим ҳудудларда COVID-19 ҳолатлари бўйича маълумотларни тўплайди	у
5.1.5	COVID-19 миллий эпидемиологик назоратининг маълумотлари давлатнинг турли ҳудудларида касалланишни қиёсий таҳлил қилиш учун фойдаланилади.	у
5.2	COVID-19 эпидемиологик назорати соҳасидаги миллий сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига қуйидагилар киради	50%
5.2.1	Шубҳали ҳолатларни тезкор аниқлаш, изоляция қилиш, тест ўтказиш ва даволаш	у
5.2.2	Контакт шахсларни аниқлаш ва уларни назорат қилиш	у
5.2.3	Назорат чораларини амалга ошириш бўйича қўлланма	у



5	COVID-19 нинг эпидемиологик назорати*	52%
5.2.4	Узоқ муддатли эпидемиологик тенденцияларни ва COVID-19 қўзғатувчиси бўлган вируснинг эволюциясини кузатиш (мониторинг қилиш)	N
5.2.5	Ҳар кунги тавсифловчи эпидемиологик маълумотларни аниқлаш (инцидентлар даражаси ва/ёки превалентлиги даражаси, ўлим даражаси, ўлим ҳолатлари сони, маълумотларнинг эпидемиологик (лаборатория) жиҳатидан батафсил таърифи (шу жумладан шифохонадан ташқаридаги пневмония), касалланишнинг оғирлик даражаси, ёши, қўшимча касалликлар бўйича, ва бошқа жиҳатлар бўйича тузилиши.	у
5.2.6	Хавф омилларини аниқлаш, масалан, юқори хавфли популяциялар, тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ хавфлар	N
5.2.7	COVID-19 ва шифохонадан ташқари пневмония ўчоқларини эрта аниқлаш	у
5.2.8	Ўтказиладиган профилактик чора-тадбирларнинг COVID-19 билан касалланиш даражасига таъсирини баҳолаш	N
5.3	COVID-19 эпидемиологик назоратининг чоралари ва усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади	20%
5.3.1	Маълумотларни йиғишнинг стандартлаштирилган фаол проспектив усуллари	N
5.3.2	Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган стандартлаштирилган юқумли касаллик ҳолатининг таърифлари (шу жумладан аниқ белгилари).	N
5.3.3	Маълумотларнинг сифатини мунтазам баҳолаш тизимлари (масалан, касалланиш ҳолатлари ҳақида ҳисобот шакллари, микробиологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш)	N
5.4	Микробиологик ва лаборатория томонидан қўллаб-қувватлаш	50%
5.4.1	COVID-19 эпидемиологик назорати тизими микробиологик қўллаб-қувватлашга эга (қамида битта миллий микробиологик референс-лабораторияси мавжуд)	у
5.4.2	Давлатда COVID-19 диагностикаси учун ПЗР тест тизимларидан фойдаланиш имкони бор	у
5.5	Маълумотлар таҳлил қилинади ва барча манфаатдор томонларга ўз вақтида акс алоқа имкони тақдим этилади	40%
5.5.1	Ҳар бир ташкилотдан то миллий даражагача аниқ ва тартибли ҳисобот йўналишлари мавжуд	у



5	COVID-19 нинг эпидемиологик назорати*	52%
5.5.2	Миллий даражада COVID-19 га оид маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг аниқ режаси мавжуд	у
5.5.3	Миллий COVID-19 эпидемиологик назорати дастури тегишли манфаатдор томонларга миллий эпидемиологик вазият ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботлар бўйича ўз вақтида акс алоқа олиш имконини тақдим этади.	у
5.5.4	Миллий даражада тегишли манфаатдор томонларга тақдим этиладиган акс алоқа ҳақидаги ҳисоботлар таркибида таҳлил ва тавсиялар мавжуд бўлади	N
5.6	Давлатда миллий соғлиқни сақлаш органлари томонидан қуйидаги ЖССТ баённомаларидан фойдаланган ҳолда соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида COVID-19 га оид эпидемиологик назорат ва хавфли омилларни баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказилишига рухсат берилганми**	0%
5.6.1	Соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида SARS-Cov-2 вируси туфайли юзага келган юқумли касалликнинг эпидемиологик назоратини амалга ошириш баённомаси***	n
5.6.2	Тиббиёт муассасасидаги соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида 2019 йилда коронавирус юқумли касаллиги (COVID-19) бўйича потенциал хавфли омилларини баҳолаш баённомаси****	n
5.6.3	Соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида 2019 йилда коронавирус юқумли касаллиги (COVID-19) тарқалишининг потенциал хавфли омилларини баҳолаш: «ҳолат-назорат» усули билан тадқиқот этиш баённомаси*****	n
5.5.4	Миллий даражада тегишли манфаатдор томонларга тақдим етилган ҳисобот ҳисоботлари таҳлил ва тавсияларни ўз ичига олади	N

* Ушбу бўлим бўйича вақтинча техник қўлланмани қуйидаги манзилда олиш мумкин: [file:///10.129.204.254/RDS_folders\\$/%D0%90%D1%81%D0%BB%D0%B0%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%91%D0%98/Downloads/WHO-2019-nCoV-IPC-2020.4-eng.pdf](file:///10.129.204.254/RDS_folders$/%D0%90%D1%81%D0%BB%D0%B0%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%91%D0%98/Downloads/WHO-2019-nCoV-IPC-2020.4-eng.pdf)

** Ушбу бўлимнинг саволларига жавоблар "COVID-19 нинг эпидемиологик назорати" бўлимининг якуний баҳолашини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

*** Ушбу тадқиқотнинг баённомасини қуйидаги манзилда олиш мумкин: https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/332203/WHO-2019-nCoV-HCW_Surveillance_Protocol-2020.1-rus.pdf

**** Ушбу тадқиқотнинг баённомасини қуйидаги манзилда олиш мумкин: https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/332071/WHO-2019-nCoV-HCW_risk_factors_protocol-2020.3-rus.pdf

***** Ушбу тадқиқотнинг баённомасини қуйидаги манзилда олиш мумкин: https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/332187/WHO-2019-nCoV-HCW_RF_CaseControlProtocol-2020.1-rus.pdf



A2. COVID-19 ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИНИНГ БИЗНЕС (ИШ) ЖАРАЁНЛАРИ (1-диаграмма)





А3. COVID-19 ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИНГ SWOT ТАҲЛИЛИ (2-жадвал)

Жадвал бўйича изоҳлар: баллар тегишли мезоннинг таъсир этиш кучини билдиради

#	Таҳлил мезонлари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
Қонунчилик базаси ва меъёрий тартибга солиш									
1	Қонунчилик ҳужжатлари ва меъёрларни яратиш	Республикада ҳукумат даражасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиладиган ва эълон қилинади, Республика Махсус комиссия қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва санитария-эпидемиология хизмати, ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги даражасидаги бошқа тузилмалар ҳужжатлари қабул қилинади.	+8	<p>Ҳужжатлар ҳаммаси ҳам ЖССТ тавсияларига мос келмайди, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий хусусиятлари ҳисобга олинган.</p> <p>Бир қатор МҲлар далилларга асосланган қарорлар қабул қилишга оид тавсияларсиз қабул қилинди. Янги қабул қилинган ҳужжатлар экспертизадан ўтиши ва норматив ҳужжатларни мувофиқлаштириш тамойилларига риоя қилиш ҳар доим ҳам бажарилмаган.</p>	+6	Бутун тизимни ислоҳ қилиш бутун меъёрий-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш ва МҲларни мувофиқлаштирилган ва замонавий жамият талабларига жавоб берадиган тарзда янгилаш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш имконини беради.	+5	<p>Нашр этилган ҳужжатлар ЖССТ тавсияларига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Бу сарфланган ресурсларга қарамай, амалга оширилган тадбирлар сифатининг пасайишига ва самарадорлиги пасайишига олиб келиши мумкин.</p> <p>МҲҲларни ишлаб чиқиш тартиботлари ишлаб чиқилмаган ва уларни далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш тамойилларига риоя қилмай қабул қилиш, МҲҲларнинг яхши мувофиқлаштирилмаганлиги ижрочилар учун стандарт иш вазиятларда ва стандарт бўлмаган вазиятда қандай ҳаракат қилиш ҳақида умумий тушунча йўқлигига олиб келади.</p>	+2



#	Таҳлил мезонлари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
2	Энг яхши амалиёт ва илғор тажрибани таҳлил қилиш жараёни	Илғор тажриба ва амалиёт тўғрисида маълумотлар мавжуд, халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда ЖССТ, CDC, Россия Федерацияси ва бошқаларнинг меъёрий ва сиёсий ҳужжатлари ўрганилади	+8	Бироқ илғор тажрибаларни таҳлил қилиш жараёни тизим-ли эмас, масъул шахслар йўқ, тавсияларга мувофиқ изчил ўзгаришлар йўқ. Маҳаллий мутахассислар доимо барча керакли ҳужжатлардан фойдалана олмайди, чунки уларнинг баъзилари фақат инглиз тилида тақдим этилган. / Энг яхши амалиёт ва илғор тажрибани таҳлил қилиш ва тегишли ҳужжатларни ўтказиш учун алгоритм ёки кўрсатма йўқ. Маҳаллий мутахассислар танқидий таҳлил методологияси ва техникасини билмайди.	+4	Ўзбекистонда ваколатхоналари бўлган халқаро ҳамкорлар ҳужжатларни рус тилига таржима қилишда ёрдам бериши мумкин. / Халқаро лойиҳалар координаторлари орқали мунтазам тарзда материалларни янгилаш учун ҳаволалар олиш, шунингдек, илмий ва таълим тиббиёт муассасаларида инглиз тилида сўзлашувчи ходимлар томонидан ЖССТ ва CDC нашрларини кўзатишни ташкил этиш ва СЭХ ва ССВ нинг халқаро ҳамкорлик бўлимларига уларни мувофиқлаштиришни юклатиш имкони бор. Турли лойиҳалар доирасида ишчи гуруҳлар яратиш бўйича тажриба бор, уларни СЭХ ҳомийлигида ташкил	+6	Қарор қабул қилиш тартиботи мураккаб ва жуда кўп вақт талаб қилади. Тез ўзгарувчан муҳитда тезкор қарорлар қабул қилиш мумкин эмас. Қарорлар кўпинча тўпланган сифат ва миқдорий маълумотлар етарлича ҳисобга олинмаган ҳолда, императив асосда қабул қилинади. Энг яхши амалиёт ва тажриба танқидий кўриб чиқилмайди. Барча жорий тавсиялар, биринчи навбатда ЖССТ, CDC ва бошқа муваффақиятли тажрибаси бўлган давлатлар тавсияларининг тўлиқ ҳажмини билмаслик, чунки СЭХ тузилмасида тегишли таҳлилий бўлим йўқ. Аслида, бу билан ташкилий-услубий бўлим шуғулланиши керак, лекин унинг ходимлари зарур ваколат ва билимларга эга эмас.	+5



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
						этиш, етакчи мутахас- сисларни мунтазам тўплаш, COVID-19 эпи- демиологик назорати соҳасида муҳокама қилиш ва ўзгартириш- лар киритиш, ҳамда РесСЭХ Эпидемио- логия бўлими бошчи- лигидаги ишчи гуруҳ томонидан барча ман- фаатдор шахслар учун ахборот хатларини ўз вақтида ва сифат- ли тайёрлаш мумкин. Телеграмда бундай касбий гуруҳлар бор. Уларни асос сифатида қабул қилиш мумкин			



#	Таҳлил мезонлари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
3	Қонунлар ва МХҲ ларни уйғунлаштириш, қайта кўриб чиқиш ва эскирганини бекор қилиш жараёни	Эскирган ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам янги чиқарилган МХҲ ни ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан ЖССТ, CDC, Россия Федерацияси ва бошқаларнинг тавсиялари асосида ўз вақтида қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди	+7	Эскирган қонунлар ва МХҲ ларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш учун зарур бўш вақт йўқлиги, эскирган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш тартиботлари бўйича кўрсатмалар йўқлиги. / Барча манфаатдор томонлар кўра оладиган ва мунтазам равишда янгиландиган эпидемиологик назорат бўйича МХҲ ларнинг ягона реестри йўқ. / Барча МХҲ ларни кузатиб бориш, уларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва барча ижрочиларга етказиш билан шуғулланадиган ташкилот ёки бўлим йўқ.	+5	Амалга оширилаётган ислохотлар ва турли халқаро ташкилотлар сармоялари доирасида, эскирган МХҲ ларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш бўйича ишчи гуруҳнинг иш механизмини такомиллаштириш (кўрсатмаларни белгилаш) бўйича лойиҳани СЭХ ҳомийлигида яратиш мумкин. / СЭХ ни қайта ташкил этиш жараёни қонунларни яратиш ёки МХҲ ларни мониторинг қилиш, уларни уйғунлаштириш ва ўз вақтида янгилаш учун бўлимни ташкил этиш, ҳамда ходимлар учун тренинглар ўтказиш ва ушбу лойиҳа компоненти, кейинчалик бутун тизимнинг барқарорли-	+6	Ишда эскирган МХҲ лардан фойдаланиш кўрилаётган чора-тадбирларнинг самараси паст бўлишига, сифатсиз амалга оширилишига, ходимлар бир-бирига зид бўлган МХҲ ларга эътибор бермаслигига, турли даражадаги раҳбарларнинг қарорлар қабул қилишида қийинчиликларга олиб келади.	+2



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
						гини таъминлаш учун тегишли ўқув дастурларини яратиш имконини беради. / Norma.uz каби тузилмаларнинг энг яхши амалиётини, илғор тажрибасини ўрганиш имконияти бор.			
4	Барча манфаатдор идораларни ва ташкилотларни янги қонунлар ва МХҲ ларни кириштириш ёки бекор қилиш тўғрисида хабардор қилиш жараёни	COVID-19 га қарши курашиш бўйича ҳукумат ҳужжатлари, шунингдек, Республика комиссиясининг қарорлари эълон қилинганлиги вазирликлар ва идораларга мансублигидан қатъи назар, барча ижрочиларга тезкор тарзда (1 кун муддатда) етказилади.	+10	Вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳаммаси ҳам ўз ҳужжатларида эскирган МХҲ ларнинг бекор қилинишини ўз вақтида кузатиб бормади ва қўйи турувчи ташкилотлар ёки ходимлар учун тегишли тартибот ҳужжатларни тайёрламади.	+4	Эскирган МХҲ ларни бекор қилиш ва янги ҳужжатларни жорий этиш тўғрисидаги маълумотларни тизимли тарзда эълон қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги веб-сайтида тегишли бўлимда янгиланишларни эълон қилиш	+4	Замонавий воқеликка мос келмайдиган (бекор қилинмаган) меъёрий ва директив ҳужжатларни амалиётда қўллаш самарасиз ишлашга ва барча даражадаги муаммоларни ҳал қилишда ягона ёндашувнинг йўқлигига олиб келади.	-2



#	Таҳлил мезонлари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
Эпидемиологик назорат тизимини бошқариш ва маъмурлаштириш									
5	COVID-19 эпидемиологик назоратининг миссияси, мақсадлари ва вазифалари	Миссияси, мақсади ва вазифалари ҳукуматнинг ҳужжатларида кенг ёритилган <i>(Изоҳ: Умумий қабул қилинган таъриф. Эпидемиологик назорат – профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни оқилоналаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида маълум бир ҳудуддаги муайян касалликнинг эпидемик жараёнини динамик ва яхлит кузатиш тизими).</i>	+6	Миссияси, мақсади ва вазифалари ижрочилар учун тушунарли бўлган тартибот ҳужжатлари ва кўрсатмалар даражасига ўтказилмаган	+5	Лойиҳалар доирасида ёки СЭХни халқаро аккредитацияга тайёрлаш доирасида СМК мутахассислари ва халқаро маслаҳатчилар кўмагида эпидемиологик назоратнинг миссияси, мақсади ва вазифаларини аниқ шакллантириш, ва уларни ижрочилар учун тартибот ҳужжатларига мослаштириш	+3	Аниқ шакллантирилган - Миссия, мақсад ва вазифаларнинг йўқлиги эпидемиологик назорат хизмати фаолиятининг рўйхатини аниқ белгилаш, тегишли равишда унинг самарали ишлаши учун зарур бўлган ресурсларни, шу жумладан ходимлар ресурсларини аниқлаш мумкин эмаслигига олиб келади. SMART (аниқлик, ўлчовлилик, релевантлик амалга ошириш даври) таъминланишига мувофиқ тuzилган аниқ мақсадлар йўқлиги барча бўлимларнинг ҳаракатлари мувофиқлаштирилмаслигига ва самарали бўлмаслигига олиб келади. Бу эса белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишни миқдорий жиҳатдан баҳолашда, ҳамда уларнинг натижаларини ва самарадорлигини баҳолашда қийинчиликлар туғдиради.	+3



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
6	Ташкилий тузилиши	СЭХ хизмати ва барча даражадаги бўлинмаларни бошқариш вертикали бўлган ташкилий тузилма яратилди	+8	Ҳар бир даражадаги функционал мажбуриятлар, шунингдек, эпидемиологик назорат хизмати ичида ҳам, чет ташкилотлар билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиботлари аниқ белгиланмаган. Бўйсунувчилар билан ақс алоқа пастлиги, бўлимлар ва параллел тузилмалар, хусусан, тиббиёт муассасалари тармоғи ва эпидемиологик назорат тузилмаси орасидаги горизонтал алоқалар кучсиз.	-2	Ҳозирги ислохотлар, турли идоралар ва халқаро ташкилотлар иштироки шароитида стратегик сессиялар ўтказиш ва таркибий ўзгаришларни тайёрлаш имкони бор, ҳар бир даража ва алоҳида бўлинмаларнинг функционал вазифаларининг аниқ тавсифларини тайёрлаш мумкин, улар Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шаклида қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари, бундай ишлар МС ИСО 9001: 2015 бўйича СЭХ ни сертификатлаш пайтида амалга оширилиши мумкин	+9	СЭХ ходимларининг ақсарияти маъмурий бошқарув ва МС ИСО 9001: 2015 асосларини билмайди. Ишни стратегик режалаштириш ва бошқариш учун зарур бўлган ваколатлар йўқлиги маслаҳат босқичида ҳам, амалга ошириш босқичида ҳам эпидемиологик назорат бўйича самарасиз ва натижасиз ишларга олиб келиши мумкин	-4



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
7	Бошқарув тизимини мунтазам равишда ички кўриб чиқиш <i>(Изоҳ: Бошқарув тизимини мунтазам ички кўриб чиқиш вазиятни таҳлил қилиш, аниқлашнинг дастлабки босқичларида муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш орқали бошқарув жараёнини такомиллаштириш имконини беради)</i>	СЭХда ишларни таҳлил қилиш учун мунтазам маълумотларни йиғиш тизими мавжуд. Ходимларни, шу жумладан бошқарув ходимларини аттестациядан ўтказиш амалга оширилади.		Ўз маблағлари ёки халқаро до-нор ташкилот-ларнинг кредит маблағлари ҳисобидан лойиҳалар доирасида СМК бўйича, хусусан бошқариш тизимини текшириш бўйича, шу жумладан эпидемиологик назоратни бошқариш тизимини мунтазам ички кўриб чиқиш асослари бўйича ўқитиш ўтказиш мумкин.	- 10	Ўқитиш расман равишда ўтказилиши мумкин, хизмат раҳбариятининг юқори мансабдор шахслари манфаатдор бўлмаган ҳолда, ва уларнинг шахсий иштироки бўлмаганда, олинган билимлар амалда қўлланилмайди.	+8	Обучение может пройти формально, полученные знания не будут использованы на практике без заинтересованности первых лиц руководства Службы и их личного участия	- 10



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
Эпидемиологик назорат тизимини молиялаштириш									
8	Эпидемиологик назорат тизимини молиялаштириш	<p>Бутун СЭХ каби эпидемиологик назорат тизимини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.</p> <p>Бюджетдан ташқари фонд бор, у пуллик хизматлар кўрсатиш (масалан, лабораториялар томонидан), шунингдек жарималар ҳисобидан тўлдирилади.</p> <p>Халқаро ташкилотларнинг грант ва кредитлари айнан эпидемиологик назорат хизмати-ни мустаҳкамлаш учун ажратилади.</p>	+8	<p>Молиялаштириш тизимининг мукамал эмаслиги, иш мақсадларининг бюджетли режалаштириш билан мос келмаслиги.</p> <p>Турли даражадаги раҳбарларнинг молиявий менежмент асослари бўйича малакаси паст.</p> <p>Туман ва шаҳар (туманларга бўлинмаганда) даражасида интернет ва алоқа тармоқларини ўз вақтида молиялаштиришда узилишлар бўлиб туради.</p> <p>Мутахассислар иш ҳақи пастлиги.</p>	+4	<p>Мақсадлар ва вазифаларни аниқлашдан кейин, маслаҳатчилар кўмагида бизнес-режани (ўрта муддатли режалаштириш) ишлаб чиқиш.</p> <p>Интернет ва алоқа учун тўловни ўз вақтида тўлаш.</p> <p>Функционал вазифаларни аниқ белгилаб, юклатган ҳолда барча даражадаги мутахассисларни жалб қилиш ёки қўшимча штат бирликларини яратиш.</p>	+9	<p>Тегишли дастурий таъминот (ДТ) бўлмаса, дастурий таъминот ёрдамида эпидемиологик назоратни амалга оширишнинг мумкин эмаслиги.</p> <p>Молиявий менежмент асослари бўйича ўқишнинг етарли эмаслиги эпидемиологик назоратни ташкил этиш учун бюджетни нотўғри режалаштиришга олиб келади.</p>	



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
Электрон кузатиш тизими									
9	Электрон кузатиш тизими	Маълумотларни киритиш учун вақт ва инсон ресурсларини қисқартирган ҳолда, юзага келаятган эпидемия вазиятини ўз вақтида кузатиш имконини беради. Эпидемиология хизматида бошқа юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазиятни электрон кузатиш учун дастурий таъминот бор эди. Ушбу тажриба COVID-19 учун қўлланилиши мумкин.	+6	Компьютер базаси эскирган. Маълумотларни тўлиқ ва ўз вақтида киритмаслик вазиятни объектив баҳолашга имкон бермайди, шунингдек, маълумотларни узатишнинг турли даражаларида хатоларга олиб келади. Стандартлаштирилган ҳужжатлар ва белгиланган иш жараёнлари йўқлиги электрон кузатув тизимини яратишни ва шунга мос ҳолда дастурий таъминотни ишлаб чиқишни жиддий даражада қийинлаштиради ва секинлаштиради.	+4	Халқаро лойиҳалар доирасида шахсий компьютерларни янгилаш/ харид қилиш, мутахассисларни тайёрлаш, электрон кузатиш тизими учун янги дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, алгоритмлар, жараёнлар ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш имкони бор.	+7	Маълумотларни киритиш (ретроспектив киритиш) ва қайта ишлашда қўл меҳнатидан фойдаланиш ва эпидемиологик таҳлил қилиш кўникмаларининг етишмаслиги бутун назорат қилиш ва ўз вақтида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини узайтиради. Агар 2019-2020 й.й. учун ретроспектив релевант маълумотлар тўлиқ киритилмаса, бу ҳолат эпидемиологик вазиятни сифатли ва ўз вақтида баҳолаш, прогнозлар қилиш ва ўз вақтида бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини бермайди. Эпидемияга қарши чоратадбирларнинг сифати ва самарадорлиги паст.	- 6



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
Ходимлар салоҳияти, тайёрлаш - ўқитиш ва малака ошириш тизими									
10	Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими	<p>ТошШМОИ да доимий ишлайдиган малака ошириш курслари фаолият кўрсатади.</p> <p>CDC, USAID, ЖССТ, БМТТД ва бошқа бир қатор лойиҳалар СЭХ, шу жумладан эпидемиологик назорат хизмати ходимларини ўқитиш ва малака ошириш бўйича лойиҳаларни фаол жорий этади.</p> <p>CDC кўмагида эпидемиологларни тайёрлаш бўйича магистратура дастури, дала эпидемиологлари учун малака ошириш курслари режалаштирилган.</p>	+10	<p>Таълимни онлайн режимга ўтказиш. СЭХ ходимларининг ҳаммаси ҳам муаммосиз ишлайдиган Интернетга эга эмас. Таълим тизимидаги муаммоларни аниқлаш, ўқув дастурларини тасдиқлаш жараёни маълум вақтни олади.</p> <p>Ўқитувчиларда онлайн машғулотларни тайёрлаш ва ўтказиш тажрибасининг йўқлиги масофавий ўқитиш жараёнида талабаларда зарур амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш имконини бермаяпти. Ўқитувчилар</p>	+5	<p>Амалга оширилаётган ислохотлар доирасида соғлиқни сақлашни рақамлаштириш барча ходимларни доимий ишлайдиган Интернет ва янги шахсий компьютерлар билан таъминлаш имконини бериши мумкин.</p> <p>USAID LHSS, CDC ва ЖССТ лойиҳалари доирасида эпидемиологик назорат бўйича инновацион масофавий тренинглари яратиш мумкин.</p> <p>Халқаро лойиҳалар кўмагида каскад усулидан фойдаланган ҳолда эпидемиологик назорат бўйича ToT ўтказиш ва мутахассисларни тайёрлаш мумкин бўлади.</p>	+5	<p>Ўтказилган тренингларга қарамай, расман ўқитиш зарур малакаларнинг шаклланмаслигига олиб келади.</p> <p>Лойиҳалар ва тренинг машғулотлари якунлангандан сўнг улар институционал-лаштирилмайди ва доимий асосда ўқитиш амалиётига киритилмайди.</p> <p>Лойиҳаларнинг барқарор эмаслиги.</p> <p>Таълим муассасалари ва амалиётчилар ўртасидаги тафовут, ўқув дастурлари амалий фаолиятдан кўра кўпроқ, асосан назарий материалларни ўз ичига олишига олиб келади.</p>	



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
				<p>масофавий ўқув машғулотларини яратиш учун зарур малака ва билимга эга эмас.</p> <p>Янги ходимларга мураббийлик қилиш ва амалий тажрибани бериш тизими яхши ривожланмаган. Иш жойида ўқитиш ва мураббийлик тизими йўқ.</p>					
11	Штатлар ва кадрлар ресурслари	Штатлар тикланди, тажрибали ходимларнинг бир қисми эпидемиологик назорат хизматига қайтарилди.	+8	Бошқа жиҳатлар билан бирга, етарли даражада молиялаштириш йўқлиги сабабли, иш ҳақи пастлиги, малакали мутахассислар сонининг қисқаришига олиб келди ва шунинг учун бир вақтнинг ўзида битта мутахассисга жуда кўп вазифалар юклатилади.	-7	Амалга оширилаётган ислохотлар доирасида штатларни оқилонлаш-тиришга мос равишда аниқ функционал вазифаларни ишлаб чиқиш имкони бор. Лойиҳалар доирасида тренинглارни ўтказиш.	+8	Эпидемиологик назорат хизматида ҳам, бошқа тегишли бўлимларда ҳам функционал мажбурият ва масъулиятларнинг номақбул тақсимланиши малакали ходимларга ҳам мураккаб таҳлилий прогностик вазифалар, ҳам юқори малака талаб қилмайдиган функциялар юкланишига олиб келади.	-8



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
				Эпидемия жараёнини комплекс кузатишни олиб борувчи мутахассислар қисқартирилганлиги, COVID-19 бўйича автомат-лаштирилган дастурдан фой-даланмаслик. Янги ходимларнинг эпидемиологик назорат асослари бўйича билимга эга эмаслиги					
Хавф-хатарларни бошқариш тизими									
12	Хавфларни бошқариш, ички назорат, ички аудит соҳасида сиёсат	йўқ	-10	Ходимларнинг кўпчилиги хавфларни бошқариш назариясини ҳам, амалий қўлланишини ҳам билмайди. Кадрларни тайёрлаш ва улардан	-10	ИСО 31001:2018 халқаро стандарти мавжуд, уни мустақил равишда ҳам, консалтинг компаниялари кўмагида ҳам ўқитиб билиб олиш ва амалда жорий этиш мумкин бўлади.	+5	Ходимларни ўқитиш учун маблағ йўқлиги. Ўқитиш расман равишда ўтказилиши мумкин, Хизматнинг юқори мансабдор шахслари манфаатдор бўлмаган ҳолда олинган билимлар амалда қўлланмайди	-7



#	Таҳлил мезонлари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
				амалиётда фойдаланиш имкони-ни берувчи меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлар йўқ.					
13	Хавфларни бошқариш стандартлари	Кучли томонлари йўқ.	-10	Эпидемиологик назоратнинг ўзи учун ҳам, лойиҳаларни бошқариш ва амалга ошириш тизими учун ҳам хавфларни бошқариш стандартлари йўқ. (Изоҳ: Бу барча томонлар учун аниқ белгиланган мажбуриятларни, кутилмадан жиҳатларни ва ҳисоботга қўйилмаган талабларни таъминлаш орқали хавфларни бошқаришни қўллаб-қувватлайдиган корпоратив бошқарув тузилмасидир, улар иш давомида саволлар туғдирмайдиган қилиб белгиланади).	-10	Ўзбекистонда ишлайдиган, СМК МС ИСО 9001 бўйича ихтисослашган таниқли консалтинг компаниялари етарли даражада кўп, шунингдек, таниқли сертификатлаштирилган органлари ҳам бор, СМКни жорий этиш доирасида МС ИСО 31000 асосида хавфларни бошқариш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мумкин. Ходимлар учун СМК асослари ва замонавий менежмент асослари бўйича ўқитишни ўтказиш мумкин, раҳбарлик лавозимидаги мутахассислар-	+7	Хизмат раҳбариятининг юқори мансабдор шахслари манфаатдорлиги бўлмаганда ва уларнинг шахсий иштироки бўлмаганда ўқитиш расман тарзда ўтказилиши мумкин, олинган билимлар амалда қўлланилмайди. Раҳбарият томонидан тушуниш ва хавфларни бошқариш тизимини жорий қилишдан манфаатдорлигининг йўқлиги қилинган ҳаракатлар бефойда бўлишига ёки лойиҳа туғандан сўнг хавфларни бошқариш тизимининг барқарор бўлмай қолишига олиб келиши мумкин. Ўқитиш учун маблағ топилмаслиги мумкин.	-6



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
				Асосий бизнес жараёнлари ва стандарт операциялар тартиботлар тегишлича тарзда ҳужжатлаштирилмаган.		дан бошлаб, ушбу жараёнга жалб қилинган барча мутахассисларни босқичма-босқич ўқитиш мумкин.			
14	Хавфларни таҳлил қилиш тизими	Кучли жиҳатлари йўқ, хавфларни таҳлил қилиш тизими йўқ	-9	Хавфларни таҳлил қилиш бўйича меъёрий-тартибга солувчи ҳужжатлар йўқ. Хизмат ичида хавфларни таҳлил қилиш асосларини биладиган мутахассислар йўқ.	-9	ИСО 31001:2018 халқаро стандарти мавжуд, уни мустақил равишда ҳам, консалтинг компаниялари кўмагида ҳам ўқитиб билиб олиш ва амалда жорий этиш мумкин бўлади.	+8	Хизмат раҳбариятининг юқори мансабдор шахслари манфаатдорлиги бўлмаганда ва уларнинг шахсий иштироки бўлмаганда ўқитиш расман тарзда ўтказилиши мумкин, олинган билимлар амалда қўлланмайди.	-8
15	Хавфларни аниқлаш жараёнлари	Кучли жиҳатлари йўқ	-10	Проактив хавфни аниқлаш ва прогноз қилиш мавжуд эмас Хавфларни аниқлаш жараёнлари бўйича меъёрий-тартибга солувчи ҳужжатлар йўқ.	-7	Грант ва кредит лойиҳалари доирасида консалтинг компаниялари ва халқаро донорлар кўмагида эпидемиологик назорат тизимининг барча даражаларида ўқитиш ва хавфларни бошқариш тизимини жорий этиш.	+7	Ходимларнинг тез ўзгариши ўқитилган ходимларнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин. Ходимларнинг малакаси пастлиги сабабли жараёнлар ва йўриқномалар нотўғри ёки фақат расман равишда ёзилиши мумкин.	-8



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
				Хизмат ичида хавфларни таҳлил қилиш асосларини биладиган мутахассислар йўқ.					
16	Пайдо бўладиган хавфларни бошқариш тизими	Кучли жиҳатлари йўқ	-10	Хавфларни баҳолаш ва бошқариш учун масъул бўлим / ходимлар йўқ. Белгилаб берилган меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлар / СОТлар мавжуд эмас	-7	Грант ва кредит лойиҳалари доирасида консалтинг компаниялари ва халқаро донорлар кўмагида ўқитишни амалга ошириш.	+8	Ўқитиш расман тарзда ўтказилиши мумкин, олинган билимлар амалда қўлланмайди	-8
17	Узоқ муддатли эпидемиологик тенденцияларни ва COVID-19 ни қўзғатувчи вируснинг эволюциясини кузатиш (мониторинг)	Эпидемиологик вазиятни прогноз қилиш имконияти	-6	Ушбу соҳада мутахассисларнинг етишмаслиги	-8	Мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш. Грант ва кредит лойиҳалари доирасида консалтинг компаниялари ва халқаро донорлар кўмагида прогнозлаш маълумотларидан режалаштириш, юз бераётган ўзгаришларга ва вирус эволюциясига эрта жавоб бериш учун фойдаланиш.	+8	Молиялаштириш йўқлиги, яхши таълим контентининг йўқлиги режалаштирилган тадбирларнинг сифатсиз бўлишига ёки хато-ларга олиб келади.	-9



#	Таҳлил мезон-лари	Кучли жиҳатлари / Strength	Баллар (-10-0-+10)	Заиф жиҳатлари / Weakness	Баллар (-10-0-+10)	Имкониятлар / Opportunity	Баллар (-10-0-+10)	Хавфлар / Threats	Баллар (-10-0-+10)
18	ЖССТ протоколлари-дан фойдаланган ҳолда тиббиёт ходимлари ўртасида COVID-19 эпидемиологик назорати ва хавфли омилларни баҳолаш бўйича тадқиқотлар	Тиббий муассасаларда соғлиқни сақлаш ходимлари ичида SARS-CoV-2 вируси туфайли юзага келган юқумли касалликнинг эпидемиологик назоратини амалга ошириш, 2019 йилги коронавирус юқумли касаллигининг (COVID-19) эҳтимолий хавфли омилларини баҳолаш. Тиббиёт ходимлари ичида 2019 йилги коронавирус юқумли касаллиги (COVID-19) тарқалишининг эҳтимолий хавфли омилларини баҳолаш: «ҳолат-назорат» усули билан тадқиқот ўтказиш баённомаси	-7	Меъёрий-ҳуқуқий базанинг йўқлиги ишнинг сифати-га таъсир қилиши мумкин	-8	Соғлиқни сақлаш тизимидаги маҳаллий миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ЖССТ тавсияларига мувофиқ тегишли баённомаларни тайёрлаш.	+8	Раҳбариятнинг манфаатдорлиги бўлмаганда ва тизимнинг барча даражаларида ахборотни тўғри етказилиши бўлмаганда, баённомаларни яратиш расман ўтказилиши, олинган билимлар амалда қўлланмаслиги мумкин.	-7

